

ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси доценти в.б., сиёсий фанлар доктори (DSc.)*

Аннотация. Ушбу мақолада Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцион ҳамкорлик таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Жанубий Осиё, иқтисодий интеграция, SAARC, минтақавий ҳамкорлик.

Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси (The South Asian Association for Regional Cooperation (SAARC)) айна пайтда саккизта давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ташкилотидир. SAARC 1985 йилнинг 8-декабрида Бангладешнинг Дакка шаҳрида қуйидаги еттита мамлакатлар доирасида тузилди: Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Бутан, Малдив ороллари, Шри-Ланка ва Непал. Афғонистон SAARCга 2007 йилда саккизинчи аъзо сифатида қўшилди. Йигирманчи асрнинг 80-йилларида ташкилот яратиш ғояси объектив интеграция жараёнлари натижасида вужудга келган. Бу вақтга келиб, ҳар бир мамлакат асосан ички бозорга йўналтирилган ўз иқтисодий тузилмаларини яратди. Шу билан бирга, мамлакатларнинг нафақат минтақалараро, балки глобал меҳнат тақсимоотидаги иштирокининг нисбий торайиши тенденцияси кузатилди. Расман ассоциация 1985 йилда ташкил этилган бўлсада унинг пойдевори ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб қўйила бошланган. Умуман олганда ҳамкорлик ғояси тарихий илдизларга эга. SAARCни ташкил этиш бўйича биринчи аниқ қадамлар 1977 йилда Бангладешнинг Президенти Зиёул Раҳмон томонидан қўйилган. У 1977-80 йилларда Непал, Ҳиндистон, Покистон ва Шри-Ланкага ташрифлари давомида

Жанубий Осиёда минтақавий ҳамкорлик тизимини яратиш имкониятларини муҳокама қилган. Иккинчи кадам сифатида у Бутан, Ҳиндистон, Малдив ороллари, Непал, Покистон ва Шри-Ланка ҳукумат раҳбарларига мактублар юбориб, минтақавий ҳамкорлик қилиш мақсадида институционал келишувларни ўрнатиш имкониятларини ўрганиш учун саммит йиғилишини таклиф қилган. Ассоциациянинг ташкил топишини учта алоҳида босқич белгилаб берди. Биринчи босқичда мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори лавозимли амалдорлари 1981 йил апрел ойида Шри-Ланканинг Коломба шаҳрида биринчи йиғилишни ўтказганлар ва интеграция асосини яратиш ишлари 1983 йилга қадар давом этган. Иккинчи босқич 1983 йил август ойида Нью-Дехлида ташқи ишлар вазирлари йиғилишининг чақирилиши билан бошланди, бу жараён сиёсий даражага кўтарилди ва Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлиги тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Учинчи босқичда етти таъсисчининг давлат раҳбарлари 1985 йил декабр ойида Даккада SAARCнинг биринчи саммити йиғилишида учрашдилар ва SAARCнинг Уставини қабул қилдилар. SAARCнинг асосий мақсади Жанубий Осиё минтақасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий тараққиёт ва маданий ривожланиш йўлида доимий ҳамкорлик қилишга. Унинг Уставида белгиланган мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Жанубий Осиё халқларининг фаровонлигини ошириш ва уларнинг турмуш сифатини яхшилаш;
- Минтақадаги барча шахсларга муносиб яшаш ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш имкониятини бериш орқали минтақадаги иқтисодий ўсиш, ижтимоий тараққиёт ва маданий ривожланишни тезлаштириш;
- Жанубий Осиё мамлакатлари орасида жамоавий ўзига ишончни, ўзини ўзи таъминлашга (self-reliance) тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш;
- Ўзаро ишонч, бир-бирининг муаммоларини тушуниш ва кадрлашни тарғиб қилиш, қўллаб-қувватлаш;

- Иқтисодий, ижтимоий, маданий, техник ва илмий соҳаларда фаол ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни ривожлантириш;
- Бошқа ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- Умумий манфаатли масалалар бўйича халқаро форумларда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш;
- Юқоридаги каби мақсад ва вазифаларни қўйган халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Аъзо мамлакатлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликни амалга оширишни мақсад қилганлар;

- (1) Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқни ривожлантириш;
- (2) Таълим ва маданият;
- (3) Биотехнология;
- (4) Иқтисодиёт, савдо ва молия;
- (5) Энергетика;
- (6) Экология ва атроф-муҳитни муҳофазалаш;
- (7) Туризм;
- (8) Фан ва технология;
- (9) Ахборот, коммуникация ва медиа;
- (10) Камбағалликни қисқартириш;
- (11) Хавфсизлик;
- (12) Минтақа аҳолисининг бир-бирлари билан алоқалари;
- (13) Молиялаштириш механизмлари;
- (14) Ижтимоий тараққиёт.

SAARCдаги ҳамкорлик бешта тамойил асосига қурилган. Булар: суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик, аъзо давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик. Минтақавий ҳамкорлик аъзо давлатларнинг икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларини тўлдириш, мустаҳкамлашга қаратилган. SAARC саммитлари ҳар йили ўтказилади ва саммитга

меzbонлик қиладиган мамлакат ассоциация раиси ҳисобланади. Қарорлар яқдиллик асосида қабул қилинади, икки томонлама ва баҳсли масалалар SAARCнинг муҳокамасига қўйилмайди. Ҳозирги кунда SAARCга саккизта аъзо давлатлардан ташқари, тўққизта кузатувчи давлат унинг саммитларида кузатувчи сифатида иштирок этади. Булар: Хитой, АҚШ, Мьянма (Бирма), Эрон, Япония, Жанубий Корея, Австралия, Маврикий ва Европа Иттифоқи. Географик жиҳатдан SAARC Жанубий Осиё яхлит экотизими асосида ташкил этилган. Унда иккита қўйи тизим устунлик қилади: шимолдан Ҳималай тоғ тизимлари ва Жанубнинг океан минтақалари. Шимолда Ҳималай Жанубий Осиё минтақасини Осиёнинг қолган қисмидан ажратиб туради ва минтақа жанубга қараб Ҳинд океанига чўзилган. Жанубий Осиё худудий-географик мажмуа бўлиб, у табиий шароитларнинг ўзига хос бир хиллиги ва улар билан боғлиқ умумий муаммолар билан тавсифланади.

Жанубий Осиё айна бир пайтда геосиёсий минтақа-географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бу унга маданий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда интеграциялашувни объектив воқеълик қилиб қўйган. Тарих давомида Жанубий Осиё минтақасида одамларнинг ўзаро ҳаракати, ўзаро савдо ва ғояларнинг тарқалиши уларни иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирлаштирган. Субконтинентда Буддизм, Ҳиндуизми ва Ислом дини аралашмаси Жанубий Осиё минтақасида алоҳида ўзига хос маданиятни яратган. Бир тарафдан, SAARCни тузишнинг зарурий шarti минтақанинг улкан ресурс салоҳияти, қулай геосиёсий мавқеи ва унинг ичидаги иқтисодий ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, иштирокчи мамлакатлар раҳбарларининг минтақавий интеграция алоҳида давлатларнинг кучини бирлаштиришини, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида катта кучга айланишини ҳамда биргаликдаги ҳамкорлик барчага фойдали бўлишини тушуниб етганларидандир. Бошқа тарафдан, Жанубий Осиёда терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, одам савдоси, ноқонуний миграция, қашшоқлик, аҳолининг ҳаддан ташқари кўпайиши, очлик ва ичимлик сувининг етишмаслиги, минтақа давлатларида аҳолининг зич жойлашганлиги, табиий офатларнинг кўп содир

этилиши, энергия манбаларининг етишмаслиги каби кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек, минтақа икки томонлама давлатлараро низолардан азият чекиши, жумладан, икки минтақавий кучлар-Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддиятлар, уларнинг ҳар бирини ядро қуролларига эга бўлиши сабабларидан SAARC юқоридаги муаммоларга биргаликда конструктив ечим топиш учун платформага айланишига умид қилинган эди. Ўтган ўн йилликлар давомида SAARC турли соҳаларда кўплаб интеграция ташаббусларини амалга оширди. Жумладан, умумий минтақавий ўзига хосликни шакллантириш учун Жанубий Осиё университети South Asian University (SAU) (2010) очилди, ёшлар учун SAARC кўнгиллилар дастури, уюшган туризмни ривожлантириш стратегияси, SAARСни ривожлантириш жамғармаси ва бошқалар ташкил этилди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш чоралари кўрилмоқда, хусусан, терроризмга қарши кураш бўйича SAARC минтақавий Конвенцияси (1987), аёллар ва болаларни фоҳишалик савдоси олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича SAARC Конвенцияси (2002) қабул қилинди ва SAARC озиқ-овқат банки ташкил этилди. Иқтисодий соҳада *Жанубий Осиё Эркин савдо ҳудуди (The South Asian Free Trade Area (SAFTA))* 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, у кам ривожланган иштирокчиларини, хусусан, Бангладеш ва Шри-Ланка давлатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратган, яъни улар учун пастроқ савдо тарифлари белгиланган ва энг сезгир, зарурий товарларнинг рўйхатлари шакллантирилган.

Шунингдек, интеграцияни чуқурлаштириш мақсадида иштирокчи давлатлар 2010 ва 2020 йиллар давомида консолидация режасини ишлаб чиққан. Унга кўра:

1. Транзит савдо қоидаларини ЖСТ ва SAFTA талабларига мувофиқлаштириш;
2. Трансчегаравий инфратузилмани такомиллаштириш, савдо шартлари, капитал ҳаракати, инвестицияларни яхшилаш, лойиҳаларни амалга ошириш;
3. Божхона ҳужжатлари ва процедураларини стандартлаштириш;

4. Самарали минтақавий таъминот занжирларини яратиш мақсадида юк машиналари учун "яшил" каналлар ва коридорларни яратиш;
5. Минтақанинг Шимолий-шарқидаги субминтақавий ва дарё инфратузилмасини такомиллаштириш;
6. Ҳиндистон ва Бангладеш ўртасида транзит савдоси бўйича келишувга эришиш, шунингдек, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида;
7. Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва Мьянма биргаликда Афғонистонни ривожлантириш бўйича аниқ ҳаракатлар олиб бориш;
8. Умумий "очиқ осмон" режимини ўрнатиш;
9. Жанубий Осиёда ягона СИМ-карта жорий этиш;
10. Минтақа мамлакатларининг энергия ресурсларини бирлаштириш режалаштирилган.

Хусусий сектор деярли барча Жанубий Осиё давлатларининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда устун роль ўйнайди ва минтақада ўртача ЯИМнинг 75 фоизини таъминлайди. У қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат ва тиббиёт саноати, қурилиш, автотранспорт ҳамда савдода устунлик қилади. Давлат сектори мудофаа саноати, энергетика, транспорт, алоқа каби асосий капитал талаб қиладиган соҳаларда етакчи ўринларни эгаллайди. Минтақа мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, биринчи навбатда, асосий ЯИМ бўйича жуда фарқланади. SAARCнинг ташкилий тузилмаси чўққисида ҳар йили давлат ёки ҳукумат раҳбарларининг саммит учрашувлари туради. Саммит учрашувларида ассоциация қарорларини қабул қилинади. Иерархияда кейинги ўринда аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари йиғиладиган вазирлар Кенгаши туради. Кенгаш сиёсатни шакллантириш, тараққиётни кўриб чиқиш, ҳамкорликнинг янги йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилиш, зарур деб топилган қўшимча механизмларни яратиш ва ассоциацияни қизиқтирган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун жавобгардир. Кенгаш йилига икки марта йиғилади ва агар аъзо давлатлар рози бўлса, фавқулодда

қўшимча йиғилиш ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, 1987 йилда SAARC котибияти ташкил этилган бўлиб, унинг қароргоҳи Непалда Катмандуда жойлашган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Булатов А.С. Мировая экономика: учебник. М.: “Экономистъ”, 2005
2. Семак Е.А. Международная экономическая интеграция: Учебное пособие. Мн.: БГУ, 2012
3. Мисько О.Н. Международная экономическая интеграция. – СПб: Университет ИТМО, 2015
4. Найман В.Д. Характер интеграционных процессов в ЕС и АСЕАН: сопоставительный анализ. Вестник РГГУ. Серия “Политология. История. Международные отношения.”. 2016;(3):71-82.
5. Хейфец В.Л. Международная интеграция: учеб. пособие. СПб.: ГУАП, 2022
6. Должикова О., Каукенов А. Страны Азии в условиях глобализации. – Алматы: ИМЭП, 2006
7. Zahid Anwar, “South and Central Asia in Eurasian Integration: Key to Prosperity and Stability” <https://www.caa-network.org/archives/3492>